

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев озиқ-овқат тармоқларини қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар такдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл ва арзон бўлишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Фермер ва тадбиркорларга яратилган имкониятлар натижасида маҳсулот етиштириш ҳажми ортмоқда.

Хусусан, 2022 йилда чорвачиликда 1 минг 400 та лойиҳа амалга оширилиб, қорамоллар сони 14 миллион, қўй-эчкилар сони 24 миллион бошга етган. Паррандачилик ҳўжаликлари сони 1 минг 300 тани ташкил этиб, тухум етиштириш 4 фоиз, гўшт етиштириш 28 фоизга ошган. Балиқчилик йўналишида 290 та лойиҳа амалга оширилиб, 502 минг тонна гўшт, 27 минг тонна асал етиштирилган.

Шу билан бирга, бу тармоқларда озуқа ва ер етишмаслиги, айланма маблағлар билан боғлиқ бир қанча муаммолар бор. Шу боис соҳа вакилларининг фикрлари ўрганилиб, таклифлар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда мутасаддилар мазкур тармоқларда жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Хусусан, Халқаро қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти жамғармасининг грант маблағлари ҳисобидан ҳудудларда сут йиғиш маркалари ташкил этилади. Уларга камида 100 та аҳоли хонадони бириктирилиб, кооператив тизим йўлга қўйилади.

Кластерлар томонидан 64 та чорвачилик комплекси барпо этилади. Жаҳон банкининг маблағлари жалб қилиниб, чорва молларини идентификация қилиш тадбирлари бошланади.

Паррандачилик ҳўжаликлари озуқа ва айланма маблағлар учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 35 миллион доллар йўналтирилади. Мазкур кредитлар самарадорлигини "Паррандасаноат" уюшмаси кузатиб боради. Насли ҳўжалар импортини қўллаб-қувватлаш учун субсидия миқдори оширилади.

Буларнинг натижасида парранда гўшти етиштириш ҳажмини йилга 800 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Балиқчилик учун ҳам бир қатор қўшимча имкониятлар белгиланмоқда. Хусусан, бундан буён табиий сув ҳавзаларини ижарага бериш онлайн аукцион орқали бўлади. Тармоқда 241 та, жумладан, креветкани саноат усулида етиштириш лойиҳаси амалга оширилади. "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастури доирасида балиқчилик лойиҳалари учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади.

Буларнинг эвазига жорий йилда 850 минг тонна балиқ етиштириш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари табиий қўллар ва дарёларда балиқ овлаш билан чек-

БИЗ ва ЖАҲОН

ВАРШАВАДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР АҲАМИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда Польшанинг таниқли сиёсат арбоблари, экспертлар, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистоннинг Польшадаги элчиси Баҳром Бобоев тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Республикасида конституциявий ислохотларнинг аҳамияти ҳамда мамлакатимизда сўнгги йиллар давомида ҳаётга таътиб этилган кенг қамровли ислохотлар ва уларнинг салмоқли самаралари ҳақида сўзлаб берди. Айни пайтда сўнгги 23 йил ичида жаҳоннинг 90 дан ортиқ давлатларида конституциявий ислохотлар ўтказилгани, 57 та давлат Конституцияси қабул қилингани, янги тараққиёт босқичига қадам қўяётган мамлакатимизда янги таҳрирдаги Бош қомусга эҳтиёж сезилгани алоҳида қайд этилди.

Қонун қиритилгани билан амалдаги Конституцияга 27 та янги модда киритилгани, моддалар сони 128 тадан 155 тага ошгани, амалдаги 275 та норма 434 тага қўпайгани, яъни амалдаги Бош қомус 65 фоиз янгиланганига урғу берилди. Янгиланган Конституция лойиҳаси ривожланган давлатлардаги таҳлил марказлари ва нуфузли ташкилотлар мутахассислари томонидан ҳам экспертизадан ўтказилгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, сўнгги йилда мамлакатимизда юз берган сиёсий ислохотлар ҳақида фикр алмашилди. Жумладан, давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим-тарбия, маданият, маънавият ва спорт, қишлоқ ҳўжалиги, ҳавфсизлик, муҳофаа, ички ва ташқи ишлар соҳаларидаги ислохотлар тилга олинди.

Қолаверса, ўтган 6-7 йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида дўстона, ўзаро манфаатли қўшничилик муносабатлари тубдан ижобий томонга ўзгаргани қайд этилди.

"Польша — Осиё" савдо-саноат палатаси президенти Януш Пехочински янги таҳрирдаги Конституцияда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита амал қилгани, деган муҳим норма мустақамланаётганига иштирокчилар эътиборини қаратди.

Конституциявий қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг туб моҳиятида инсон қадри турганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон — Словакия:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН САЛОҲИЯТ ЕТАРЛИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Словакия Республикаси Миллий кенгаши раиси Борис Коллар бошчилигидаги парламент делегацияси билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Словакия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, хусусан, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, айни пайтда иккала давлатда ҳам ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналиши, жумладан, савдо, инвестициявий,

маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш учун салоҳият етарли.

Сенат Раиси парламентлараро алоқалар изчил ривожланиши Ўзбекистон — Словакия муносабатларини кенгайтиришга, умуман, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилишини қайд этди. Парламент аъзоларининг ўзаро ташриф-

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

Айни кунларда Словакия Миллий кенгаши раиси бошчилигидаги делегация Ўзбекистонда бўлиб турибди. Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Словакия Республикаси Миллий кенгаши раиси Борис Коллар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов томонидан парламент ва ундаги сиёсий фракциялар фаолияти, шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар ҳамда Бош қомусга киритилаётган ўзгариш ва

ларга ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сўз эркинлигини ҳўмоа қилиш, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда таълим сифатини яхшилашга қаратилган нормалар акс эттирилаётганига алоҳида эътибор қаратиб, мазкур ўзгаришлар Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилишини таъкидлади.



Марказий сайлов комиссиясида

МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕТАПТИ?

Марказий сайлов комиссиясида "Конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти: янги Ўзбекистон — янгиланган Конституция" халқаро илмий-амалий конференциясининг хорижий қатнашчилар делегацияси иштирокида "Ўзбекистонда конституциявий референдумга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси (МСК) аъзолари, референдум ўтказувчи округ комиссиялари ва давлат идораларининг бошқа вакиллари ҳам қатнашган тадбирдан кўзланган мақсад Марказий сайлов комиссияси томонидан референдумни ташкил этиш, референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва халқаро экспертлар иштирокида амалиётни такомиллаштириш бўйича кейинги чора-тадбирларни белгилашга масъул бўлган бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда референдумга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларни халқаро экспертлар ҳамжамиятига етказишдан иборат бўлди.

Давра суҳбати аввалида МСК раиси Зайниддин Низомхўжаев тадбир иштирокчиларига референдумга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ва босқичма-босқич ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди.



ЯНГИЛАНАЁТГАН БОШ ҚОМУСИМИЗ МОҲИЯТИ ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида хорижий экспертлар иштирокида "Конституциявий ислохотларнинг мазмунини ва моҳияти: янги Ўзбекистон — янгиланаётган Конституция" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Анжуман

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, халқаро экспертлар, олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов қириш сўзи билан очди ва Ўзбекистон жуда катта сиёсий, тарихий жараён оstonасида тургани, мамлакат Конституцияси илк бор референдум орқали қабул қилинаётганини эътироф этиб, конституциявий ислохотнинг ўзига хос хусусиятлари, бу борада олиб борилган ишлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда эришилган ютуқлар — иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳўмоа соҳаларидаги юзлаб чекловларнинг олиб ташлангани, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммолар ҳал қилингани ортга қайтмаслиқнинг конституциявий қафолатини таъминлаш ҳамда амалдаги Конституциямизни такомиллаштиришни таъқозо этди.

Бу ютуқлар, ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эмин-эркин фойдаланиши учун, уларни, албатта, Конституцияда муҳрлаб қўйиш талаб қилинаётганиди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари

алоҳида қайд этганидек, янгиланаётган Конституция матни бир гуруҳ олим, мутахассислар томонидан эмас, балки халқнинг, кенг жамоатчилиқнинг таклифи ва фикри асосида ишлаб чиқилди. Конституциявий ислохотларнинг дастлабки икки босқичида халқнинг фикри, таклифлари ўрганилди ва шу асосда Бош қомус лойиҳаси тайёрлангани янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамият жипслашгани, Бош қомусимиз том маънода халқ Конституцияси бўлаётганидан далолат беради.

Янгиланаётган Конституциямизда мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли қафолат сифатида Ўзбекистон "суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат" эканлиги ҳамда ушбу принципал қоидаларни ўзгариштириш мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилмоқда. Камбағаллиқни қисқартириш, бандлиқни таъминлаш, ишсизликдан ҳўмоа қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятларни олмоқда. Умуман, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциядаги нормалар 3 баробар қўпайтирилди.

Хусусан, Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Бундан ташқари, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда (бозор қийматида) қопланиши таъминланиши қафолатланмоқда.

Аҳолининг бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи Конституция давражасида мустақамланаётганлиги одамлар саломатлигини асраш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда давлатнинг мажбуриятини белгилашда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Нидерландия тараққиёт банки ("FMO") ривожланаётган бозорлардаги хусусий инвестиция лойиҳаларини молиялаштиради. Мазкур банк 1970 йилда ташкил этилган ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ҳисобланади.

Учрашувлар якунларига кўра, ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш, ахборот алмашиш, Нидерландия банклари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон томонидан аниқ таклифлар тайёрлаш бўйича келишувга эришилди.

«Дунё» АА. Амстердам

ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК ВАЗИФА

Жаҳон банки мезонларига кўра, 2015 йилнинг октябридан бошлаб қўнига 1,9 АҚШ долларидан кам даромад олганлар Глобал камбағаллик даражасига киритилган. Камбағаллик масаласи Ўзбекистонда илк бор 2020 йилда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва халқаро таҳрибалардан келиб чиққан ҳолда қисқа муддат ичида ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий асослар яратилди. Аҳолининг минимал ижтимоий стандартлари ва камбағаллик чегараси белгиланди.

Жаҳон банки экспертлари ҳамкорлигида 2022 йил учун мамлакатимизда жон бошига минимал истеъмол харажатлари қиймати 498 минг сўмини (45 доллар) ташкил этиши ҳисобланди. Ушбу мезондан келиб чиқиб, республикада илк бор камбағаллик даражаси 17 фоизлиги аниқланди.

Юртимизда камбағалликни қисқартириш масаласи бугунги ислохотларнинг асоси ҳисобланади. Чунки ушбу таҳлимининг фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, камбағалликни қисқартириш чоралари ўзи нималардан иборат? Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами қандай молиявий қўмақлар воситасида қўллаб-қувватланади? Мазкур йўналишда қандай муаммолар мавжуд ва уларнинг ечими нималарда кўринади? Шу ҳақда сўз юритамиз.

Ўзбекистон — Словакия:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН САЛОҲИЯТ ЕТАРЛИ

Ўз навбатида, Б. Коллар самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон қисқа вақт ичида жадал демократик ислохотлар ўтказишга эришгани ва бу билан дунёга очилгани ҳамда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустақкам ўрнига эга бўлаётганини эътироф этди. Айни чоғда, бугунги конституциявий ислохотлар жараёнида Ўзбекистон парламенти ваколатлари янада кучайтирилаётганини олқишлади. Словакия Ўзбекистон билан савдо, иқтисодий йўналишдаги ҳамкорликни янада мустақкамлашдан манфаатдор эканини, бунда парламентлараро мулоқот салоҳиятидан кенг фойдаланиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, мулоқот давомида парламентларнинг тегишли қўмиталари ўртасида савдо, иқтисодиёт, инвестиция, инновация, банк-молия,

туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда доимий алоқаларни йўлга қўйиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Хусусан, савдо-иқтисодий муносабатлар икки томонлама ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги, сўнгги икки йилда ўзаро савдода оқибий ўсиш тенденцияси кузатилганига қарамай, кўрсаткичлар икки давлатнинг мавжуд иқтисодий имкониятларини ўзида тўлиқ акс эттирмаслиги айтиб ўтилди.

Учрашув якунида парламент фаолияти соҳасида тажриба алмашиш, тегишли қўмиталар ва дўстлик гуруҳлари раҳбарлари даражасида парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш, халқаро парламент ташкилотлари доирасида томонларнинг позицияларини ўзаро қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Мулоқот

ҲАЁТИЙ МЕЪЁРЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ АҲАМИЯТИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАШИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева яқинда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ҳамда Қарши, Гузор туманларида бўлиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари, фаоллар, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, профилактика инспекторлари, нуронийлар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, ўқитувчи-профессорлар ва талаба ёшлар билан учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, унга киритилаётган янги ҳаётий меъёрларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлнали ислохотлар, ўзгариш ва ривожланишлар жараёнидаги аҳамияти юзасидан фикр алмашилди.

Хусусан, Қарши давлат университетидида ташкил этилган учрашувда янги тахрирдаги Конституцияга киритилган муҳим нормалар, шу жумладан, ёшлар, ўқитувчилар, олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш, уларни мажбурий меҳнатга жалб этишга бўлган таққининг Бош қомус даражасида мустақамлаб қўйилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўз навбатида, янги тахрирдаги Конституция лойиҳаси ишлаб чиқишида ёшлар ҳам фаол иштирок этганлиги ва улар томонидан қўллаб мувоҳазалар билдирилгани, яъни жамий тақлифларнинг 60 фоизи ёш авлод томонидан илгари сурилганига ургу берилди.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ташкил этилган учрашувда Сенат ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро

ҳамкорлиги, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларда уларнинг роли, янги тахрирда ишлаб чиқилган халқ Конституциясига бўлган эҳтиёж, унга киритилган янги нормаларнинг мазмун-моҳияти, уларни кенг жамоатчилик, аҳоли вакилларига тушунтириш борасидаги иш ишлар юзасидан фикр алмашилди, уларга зарур тақлиф ва тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, Сенат Раиси вилоятнинг ижтимоий объектлари, хусусан, Қарши шаҳридаги имконияти чекланганлар учун мўйжалланган “Имкон” давлат мактаб-гача таълим ташкилоти, 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати, юзлаб аҳолига касб-ҳунар ўргатиб келаятган мономарказда ўқитувчи ва ўқувчилар, мутахассислар, аҳоли вакиллари билан ҳам суҳбатлашди. Мулоқотда барча ислохотлар бир мақсадга — инсон ва унинг қадрини улуғлашга, ҳар бир инсоннинг ушбу юртда эркин яшashi ва баркамол ривожланиши учун зарур шарт-шароитлари яратишга, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилганлиги хусусида сўз борди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҚКАМЛАНАДИ



Меҳмон Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги муносабатларга тўхталар экан, сўнгги йилларда икки давлат ўртасида турли соҳаларда, жумладан, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги ва сув ресурсларини бошқариш тармоқларида ҳамда парламентлараро

алоқалар йўналишида ўзаро ҳамкорлик мустақкамланиб бораётганига ургу қаратди.

Ўзбекистон ҳамда Словакия ўртасидаги муносабатлар, хусусан, сиёсий ва таълим йўналишларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётган бир пайтда иқтисодий соҳада ҳамда пар-

ламентлар ўртасидаги мавжуд салоҳиятдан етарлича фойдаланилаётгани қайд этилди.

Икки давлат ўртасидаги парламентлараро мулоқотни фаоллаштириш, қонун ижодкорлиги, жумладан, халқаро парламент тузилмалари доирасидаги тажрибаларни ўрганиш мақсадида

мунтазам равишда парламентлараро дўстлик гуруҳлари делегацияларининг ўзаро таширфларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда томонлар ҳамкорлик ришталарини янги босқинга олиб чиқишга келишиб олдilar.

Ўзбекистон — Тожикистон:

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ФАОЛЛАШДИ

Қуннинг иккинчи ярмида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Факултодада мухтор элчиси Абдужаббор Раҳмонзодади қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларга тўхталаниб, сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган муносабатлари ва қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон — Тожикистон қардошлик ришталари ривожиди ютуқларга эришилгани, икки томонлама алоқалар сезиларли даражада фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар ўзининг қизгин палласига киргани, айни кунларда Ўзбекистон халқи ва мамлақати бевосита демократиянинг муҳим

институтини бўлмиш умумхалқ референдумига юқори даражада тайёргарлик кўраётгани юзасидан маълумот берилди.

Ўз навбатида, А. Раҳмонзода ҳозирги пайтда икки давлат ўртасида турли соҳаларда аънанавий дўстлик ва шерикликка асосланган ҳамкорлик кундан-кунга ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўшни давлатлар билан алоқаларни мустақкамлаш борасидаги оқилона сиёсати муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Шунингдек, элчи ангиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқларига, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, соғлиқни сақлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришга оид нормаларнинг акс этганини, аксарият нормалар халқларвар давлат қуриш, қучли парламент, ичхам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ҳамда адолатли суд тизимини барпо қилиш мақса-

дига йўналтирилаётганлиги юқори баҳо бериб, мазкур жараёнлар оммавий ахборот воситаларида кенг ва очиқ ёритиб борилаётганлигига эътибор қаратди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси парламентлараро дўстлик гуруҳлари, икки томонлама савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада жадаллаштиришга қаратилган ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, хусусан, делегациялар алмашуви, ўзаро тадбирларда қатнашиш ҳамда долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан очиқ мулоқот олиб бориш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот якунида ўзаро алоқаларни мустақкамлаш ва амалий ҳамкорликни ҳар томонлама давом эттиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕТАПТИ?



Шунингдек, тадбир қатнашчилари муҳока-масага миллий маърузачиларнинг нутқлари тақдим этилди.

“UZINFOCOM” МҶК бош директори ўринбосари А. Мансуров сайлов жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш масалалари, референдум ўтказиш

бўйича 14-Тошкент шаҳар ва 8-Сирдарё округ комиссиялари раислари А. Магрупов ва П. Аҳмеджонов эса референдум ўтказувчи округ комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида сўз юритди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари МСК томонидан фуқароларни, референдум иштирокчиларини, оммавий ах-

борот воситалари орқали референдумга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида, овоз бериш мuddати ва тартиби, референдумда қатнашиш ҳаракатлари, Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари юзасидан хабардор қилиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар билан таништириб ўтди.

Ўз навбатида, хорижлик экс-

пертлар ҳам алоқаларни янада мустақкамлаш, сайлов соҳасидаги халқаро, амалий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан ўз фикр ва тавсияларини билдиридилар. Муҳокама давомида улар референдумга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ айрим масалаларни бевосита муҳокама қилиш имконига эга бўлди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ЁШЛАР ЎЗЛАРИНИ ҚИЗИҚТИРГАН МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Қарши давлат университетининг академик лицейида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураиши қўмитаси раиси Н. Умаров иштирокида “Янги Ўзбекистонда ангиланаётган Конституция” мавзусида учрашув ўтказилди.

Унда сенатор юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчиликдаги янгиланишлар, Сенат томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва конституциявий ислохот ҳақида тўхталиб ўтди.

Жумладан, янги тахрирдаги Конституцияда давлат фуқароларни иш билан таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қамайтириш чораларини қўриши ҳақида янги норма жорий этилаётганини, бу билан давлат ишсиз фуқароларни меҳнат бозоридида талаб юқори касбларга ўргатиш ва аҳолини иш билан таъминлаш орқали камбағаллик даражасини пасайтириш мажбуриятини олаётгани таъкидланди.

Шунингдек, бу йўналишда мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар қўрилаётгани, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва улар билан ишларнинг янги модели яратилгани, ишсизлик камбағаллиқнинг асосий омилли эканлигини ҳисобга олиб, ишлаш истиғи бериб фуқароларни касбий қайта тайёерлаш ва иш билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар юзасидан маълумотлар берилди.

Тадбир жараёнида ёшлар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан муурожаат қилиш имконига ҳам эга бўлди.

«Халқ сўзи».

Семинар

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА — МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Олий Мажлис Сенатидида “Муқобил энергетикани ривожлантириш, “яшил” иқтисодиёт технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, вазирилик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Унда “яшил” энергетикани ривожлантириш, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш, шунингдек, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларида илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳалар, жумладан, истиқболли инновацион ишланмалар, стартап лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш борасидаги ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Юртимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг жорий қилиш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни ҳамда энергия самарадорлигини ошириш орқали ҳудудларда энергия тақчиллиги қопланишини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш ва улардан кенг фойдаланиш, иқтисодиётнинг барча тармоғида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш ва бу борада аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида Фармон ҳамда қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш, уларнинг улушини электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 30 фоиздан кўпроққа етказиш мақсад қилинган. Қайта

тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш мақсадида қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида айни пайтда 2,9 млрд. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига жами 2 897 МВт қувватга эга 10 та қуёш ва шамол электр станциясини барпо қилиш доирасида амалий ишлар бошланган.

Семинарда хонадонларга кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВтгача) қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича “Қуёшли хонадон” дастури амалга оширилиши ва аҳоли томонидан қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган оптикча электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига 1000 сўмдан субсидия ажратилиши кўзда тутилаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

Шунингдек, муқобил энергетикани ривожлантириш, “яшил” иқтисодиёт технологияларини барча соҳага фаол жорий этиш масалаларида айрим камчиликлар сақланиб қолётганига эътибор қаратилди. Хусусан, ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали ҳудудларда энергия тақчиллиги қопланишини таъминлаш, инвесторлар учун яратилган қулай шaroит ва рағбатлантириш механизмлари юзасидан тарғибот-тушунтириш ўтказиш лозимлиги, бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги айтиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ТАЛАБИ

Мамлакатимизда аҳолининг яшаш шaroитини тубдан яхшилаш, ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этиш, айниқса, инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бир модда шарҳи

Хусусан, янгиланаётган Конституцияимизнинг 42-моддасида ҳар қим муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан оз бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги мустақкамлаб қўйилаётгани эътиборга молик.

Амалга оширилган меҳнат фаолиятига мос ҳақ олиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда камситилишга йўл қўймаслик адолатли таъминлашнинг муҳим шартидир. Айни чоғда ходимнинг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг

энг кам миқдоридан оз бўлмаслигининг белгиланиши ҳам муҳим ижтимоий кафолат сирасига киради. Ҳар йилги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини аниқлашда оилаларнинг минимал истеъмол харажатлари қиймати асос қилиб олинади. Энг кам иш ҳақи, нафақалар ва пенсиялар миқдори ҳар йилги нархлар ўсишига мутаносиб равишда ошириб борилади.

Шу нуктаи назардан, мазкур норманиннг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақлари уларнинг меҳнатига лойиқ бўлиши билан бирга, муносиб турмуш кечиришини таъминлаш, пировардида эса аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ҳамда ижтимоий адолат тамойилларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу модданиннг иккинчи қисмида

эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобига олинган ҳолда белгиланади, деб қайд этилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ходим қаерда ишлашдан қатъи назар — давлат ёки нодавлат ташкилотидими, тадбиркорлик субъектидами иш бeрyвчи томонидан тўланадиган иш ҳақининг энг кам миқдори унинг муносиб турмуш даражасини таъминлаши керак. Меҳнат қилаётган ҳар бир инсон асосий эҳтиёжларини қондириш учун етарли маблаққа эга бўлиши лoзим.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори нима ва у қандай белгиланади? Айтиш жоизки, бу миқдор инсонга муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун минимал истеъмол харажатлари қиймати асосида белгиланади.

Инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш деганда, унинг яшаш харажатларини (озик-овқат, қийм-кечак, уй-жой, коммунал, транспорт, алоқа ва бошқа) қоплаш, шунингдек, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, дам олиш ва бошқа эҳтиёж-

ларини қондириш имкониятига эга бўлиши тушунилади.

Давлат фуқарога меҳнатига яраша иш ҳақи тўланишининг чораларини қўриши ва кафолатларини таъминлаш, иш бeрyвчи эса ходим оиласида мажбуриятларини бажариши лoзим. Давлат меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда мамлакатдаги иш ҳақининг умумий даражаси, истеъмол нархлари, ижтимоий нафақалар ва ижтимоий қатламларнинг турмуш даражасини қийёсий ҳисобга олган ҳолда ходим ва оиласининг эҳтиёжларини эътиборда тутиш ҳам зарур бўлади.

Янги тахрирдаги Конституцияга киритилаётган мазкур норма ижтимоий давлатнинг энг муҳим талабини давлат сиёсати даражасига қўтармоқда ҳамда ходимларни меҳнатига яраша иш ҳақи олиши ва бу нормал ҳаёт кечириши учун етарли бўлишини кафолатламоқда.

Мазкур модданиннг кейинги қисмида эса ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини қамайитириш та-

қилганиши қатъий белгилаб қўйилляпти.

Бoиси иш бeрyвчиларнинг ақсарияти танловда аёллардан кўра, эркакларга қўпроқ устуниқ бeради. Бунинг сабаби оддий — аёллар фарзанд парвариши туфайли ишга кeчpоқ кeлиши, вақтлpоқ кeтиши, ҳомилдорлик таътилида қичиши айрим раҳбарларга маъкул кeлмайди.

Янги тахрирдаги Конституцияда ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этишни тақиқлаш бўйича норма киритилаётгани эса шубҳасиз, хотин-қизларнинг камситилишига йўл қўймаслик учун муҳим қадам бўлади.

Умуман олганда, Бош қомусимизда аёлларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни қамситилишини тақиқлаш гендер тенгчилигига эришишга хизмат қилади. Хотин-қизларнинг фаоллигини ошириб, уларни норасмий меҳнат муносабатларини легаллаштиришга замин яратди. Натижада аёллар эркин меҳнат қила олади.

Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Халқ вакиллари — ҳудудларда

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар яқинда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида бўлиб, янги тахрирдаги Бош қомусимизнинг моҳияти, унга киритилаётган янги нормаларнинг аҳамиятини тушунтиришга бағишланган тадбирлар ва учрашувлар ўтказди.

Мазкур жараёнда аҳоли янгиланаётган Конституция фуқароларнинг фаровон яшашига, давлатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши, унда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, тақлифлари акс этгани, ислохотларнинг туб моҳияти ва мазмуни сингдирилганини таъкидлашди.

Назира МАТЁҚУБОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири:

— Янгиланаётган Конституцияда давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлаши, шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мустақкамланмоқда.

Албатта, оммавий ахборот воситалари янада фаол бўлиши учун уларга кенг имкониятлар ва қучли ҳимоя керак. Конституцияимизга киритилаётган ушбу норма мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини янада юксалтиришга, жамиятда очкилик ва ошкоралик муҳитини мустақкамлашга хизмат қилади.

Сайёра ИМОМОВА, Беруний туманидаги 59-мактаб директори:

— Яқин-яқингача жамиятда “Ўқиб шаҳар оқибар-мидинг”?!”, “Ўқиган одамнинг баримбир қосаки оқармайди”, деганга ўхшаш гаплар учраб турарди.

Давлат ўқитувчи ва ўқувчиларга теккин ишчи қучи деб қарарди. Оқибати ҳаммага маълум — ўқувчиларнинг билим савияси тушиб кетди, олийгоҳга қираман деганлар репетиторга қанадйи, қўшимча дарсга қурби етмаганлар эса қора ишчи бўлиб қолаверади.

Янгиланаётган Конституцияимиз билан таълим ҳамда мактабга нисбатан бундай муносабатга чек қўйилади. Давлат таълимини изга қўйишни зиммасига олиб, натижасига кафолат бермоқда.

Жумабой ЎТАМОВ, халқ депутатлари Янгйбозор тумани Кенгаши депутати:

— Янгиланаётган Конституцияга мувофиқ, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш амалиёти тугатилмоқда. Бу билан вилоят ва туман (шаҳар)да халқ сайлаган депутатлар ҳоким фаолиятини бевосита ва ҳолисона назорат этиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий принципини амалга оширишга хизмат қилувчи ҳокимлик идоралари раҳбарларининг халқ депутатлари Кенгашлари олдиди ҳисобот берадиган самарали тизим йўлга қўйилади. Энг муҳими, ҳокимларнинг ўзлари қарор чиқариб, ўзлари бошчилик қиладиган Кенгашларда ушбу қарорларни тасдиқлатиш, кейинчалик унинг ижроси назоратини олиб бориш каби амалиётга чек қўйилади.

Раймбой ШЕРЖОНОВ, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати:

— Янгиланаётган Бош қомусимизда ўқитувчи мақоми улуғланмоқда. Ўз вазифасини мукаммал адо этиши учун шарoит яратилмоқда. Шунингдек, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шaroитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилляпти.

Мазкур нормалар мамлакатимизнинг келгуиси тақдир учун муҳимдир. Шу боис барчамиз эртанги кунимизни белгилаб берадиган тарихий воқеаликка бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Дилбар НИЁЗМЕТОВА, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати:

— Сўнгги йилларда юртимизда ижтимоий ҳимоя йўналишидаги ислохотлар натижасида Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини, ногиронлиги бўлган шахсларни, кам таъминланган ва ёш оилаларни, айниқса, алоҳида ёрдамга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, субсидиялар ҳамда имтиёзли ва узоқ муддатли ипотека кредити бериш каби инсонпарвар сиёсат амалга ошириляпти.

Хусусан, уй-жой шарoитини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фoизларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига субсидия тўланаши белгиланди. Конституцияга киритилаётган ҳар қимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлайди, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Зебо ТОЖИЕВА, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали кафедра мудири:

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажминин қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги янги тахрирдаги Бош қомусимизда мустақкамланмоқда.

Мазкур норманиннг аҳамияти шундаки, давлат ўз фуқароларининг моддий аҳолидан қатъи назар, бeпул тиббий ёрдам билан қамраб олинишини кафолатламоқда. Бу фуқаролар, айниқса, моддий шaroити яхши бўлмаган фуқароларнинг соғлигини сақлашга давлат гамхўрлик қилишдан тўхтамаслигини англатади.

Кафолатланган тиббий ёрдамга оид норманиннг белгиланиши аҳоли, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар тахдиқидини барфараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛАНАЁТГАН БОШ ҚОМУСИМИЗ МОҲИЯТИ ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

➡1 Мазкур конституциявий қондалар бундан буён ҳам Ўзбекистонда халқ манфаатлари кўзланган ислохотлар йўлидан ортга қайтмаслик, қонун ва адолат устуворлиги, инсонга эътибор ва ғамхўрлик каби муҳим қадриятлар бардавом бўлишини аниглади.

Дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларидан 30 га яқин халқаро экспертлар, сиёсатшунос ва мутахассислар иштирок этган тадбирда сўз олган маърузачилар янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиқ қўпайгани, шунингдек, аксарият нормалар халқпарвар давлат қуриш, қучли парламент, ихчам ҳамда масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо қилиш мақсадига йўналтирилаётганлигини алоҳида қайд этишди.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган маъмурий ислохотларнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, парламент — Сенат ҳамда Қонунчилик палатасининг ваколатлари кенгайтирилмоқда. Яъни икки палата ишдаги тақдорланишлар бартараф этилиб, ҳар бирининг масъулият соҳаси аниқ белгиланмоқда. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 гага, Сенатда эса 14 тадан 18 гага қўпаймоқда.

Хусусан, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатаси раисининг ҳисоботи-ни эшитиш каби муҳим ваколатлар бевосита Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари этиб белгиланмоқда. Киритилаётган ушбу ўзгаришлар қўйи палатанинг вакиллик табиати-га ва илгор хорижий тажрибага тўлиқ мос келади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича йиллик миллий маърузани эшитиш, давлат қарзининг энг юқори миқдорини белгилаш, парламент текширувини амалга ошириш каби муҳим ваколатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киритилмоқда.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституцияда илк маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиши ва улар фаолияти кафолатларининг белгиланиши жамиятда очиқлик, ошқо-

ралик ва қонунийлик муҳитини, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни изчил олиб бориш ҳамда қучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш учун мустақам замин ҳозирлайди.

Тадбир иштирокчиларининг таъкидлашича, янгиланаётган Конституция “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқ фаровонлигини янада ошириш, давлат ва фуқаролик жамияти-нинг жадал ривожланиши учун мустақам асос яратди.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ҳам сўз олиб, янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар, уларнинг партия дастурий мақсадларига тўла мослигини таъкидлаб ўтдилар.

Конструктив руҳда ўтган давра суҳбатида хорижлик қатнашчилар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва муносабатини билдирди.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Же Хёк ШИН, Корея университети Ижтимоий масъулият институти директори:

— Жанубий корейлик эксперт сифатида юқори даражадаги халқаро конференцияда иштирок этётганимдан беҳад мамнунман. Ўзбекистон халқи учун муҳим ижтимоий-сиёсий жараён арафасида ўтказилаётган ушбу тадбирда қатнашиш мен учун катта шараф.

Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётида аҳамияти катта бўлиши, шубҳасиз. Парламент ваколатларини кенгайтиришга қаратилган нормалар айниқса, эътиборга молиқдир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан мамлакат Конституциявий суди, Олий суди, Судьялар олий кенгаши, коррупцияга қарши курашиш ҳамда рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органларининг раҳбарларини сайлаш, Бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раиси лавозимларига номзодларни кўриб чиқиш ҳамда маъқуллаш каби ваколатларнинг Сенатга берилиши жуда ҳам прогрессив норма, деб ҳисоблайман.

Роза ЖАЙЛОБАЕВА, Қирғиз Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Норма ижодкорлиги ва қонун устуворлиги институти директори ўринбосари:

— Конституциявий ислохотларни юқори даражада ташкиллаштириш, аҳолининг кенг қатламидан фикрларни тўплаш бўйича Ўзбекистоннинг тажрибасини дунё мамлакатлари ўрганса арзийди. Янги

таҳрирдаги Конституцияда иқтисодий блок масалалари тўлиқ акс этган. Хаттоки монопол фаолиятни чекловчи тўғридан-тўғри норма борлиги эътиборга лойиқ.

Янгиланаётган Бош қомуснинг давлат инвестициявий муҳитни ривожлантириш чораларини кўриш назарда тутилган 67-моддаси ҳам алоҳида диққатини тортиди. Қирғиз Республикаси Конституциясида ҳам фуқаролар томонидан солиқлар тўла-ниши мажбурлиги белгиланган. Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституциясининг 63-моддасида солиқлар ва йиғимларнинг адолатли бўлиши ҳақидаги норма ҳам фуқаролар учун жуда аҳамиятли, деб ўйлайман. Мухтасар айтганда, Ўзбекистондаги конституциявий ислохот мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришига ишонаман.

Жеймс УОРТОН, Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси:

— Дунё тараққиёти ўзгарар экан, парламентлар, қонунлар ҳам ўзгариши керак. Янгиланаётган Конституцияда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган қатор нормаларни олқишлайман. Яна бир жиҳат, конституциячиликларнинг конституциявий ислохотларда фаол қатнашгани, ўз фикрларини билдиришлари учун уларга қулай бўлган барча платформалардан самарали фойдаланилганлигини алоҳида қайд этмоқчиман.

Албатта, қонун устуворлиги, саёхат, уй-жойга эга бўлиш, инсонлар ҳаётини яхшилашга мўлжалланган бошқа нормалар Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Санжар ҲАМИДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Барчамиз кўриб-билиб турибмиз, бугунги кунда инсоният ўз тарихидаги нихоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ҳозирги вақтда дунёда турли қучлар ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар қучаймоқда, ресурслар учун шафқатсиз кураш кетмоқда.

Ушбу глобал вазиятда Ўзбекистон миллий манфаатлардан келиб чиқиб, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсатни изчил олиб бормоқда.

Шахноза ЖОЛДАСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти раиси:

— Фуқароларнинг қонунчиликка оид тақлифлари билан парламентга мурожаат қилиш институтининг Конституция даражасида белгиланиши бир тарафдан жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтиришга, кенг жамоатчиликнинг сиёсий фаоллигини оширишга, иккинчи тарафдан фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари билан боғлиқ турли ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга хизмат қилади. Ва айни чоғда аҳолининг ўз хоҳиш ва истаклари, муаммолари юзасидан тегишли тартибда ташаббус кўрсатишга, ўз талабларини қонунларга киритишни расман тақлиф этишига ҳамда жамиятдаги муаммоларга ўз вақтида ечим топишга ёрдам беради.

Қисқача айтганда, киритилаётган конституциявий норма бугунги кунда биз тақдор ишлатаётган “халқчил давлат”, “халқ уйи”, “халқчил Конституция” каби сўзларнинг амалда ўз тасдиғини топишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

«Халқ сўзи».

Тадбир

ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида анъанавий Тасвирий ва амалий санъат халқаро фестивали бўлиб ўтмоқда.

Ёш ва маҳоратли рассомларнинг ҳамда амалий санъат усталарининг ижодий ишлари намойиш этиладиган санъат ҳафталигининг биринчи куни тадбирларга бой бўлди.

Фестивалнинг очилиш маросимида анъанга кўра, Камолитдин Бехзод номидagi Шарқ мини-атюра санъати музейи боғида буюк муассавир ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Унда ТУРКСОЙ халқаро ташкилотли ва хориж давлатларидан келган ижодкорлар, Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидagi ташкилот ҳамда таълим муассасалари вакиллари, талаба ёшлар иштирок этди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида халқаро анъанавий Тасвирий ва амалий санъат фестивалининг очилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нур ушбу санъат ҳафталиги янги истеъодларни юзага чиқариш, ижодий тажриба алмашиш, “Устоз — шогирд” анъаналари бардавомлигини таъминлаш, жаҳонга ўзбек тасвирий ва амалий санъати ютуқларини кенг танитишга хизмат қилишини таъкидлади. ТУРКСОЙ халқаро ташкилотли котиби Султон Раев ушбу анжуман айнан илм-фан маркази, маданиятлар чорраҳаси Тошкентда бўлиб ўтётганидан мамнун эканини, зеро, янгиланиш босқичига кирган Ўзбекистонда миллий маданият ва санъат, адабиёт, илм-маърифат раванқига устувор аҳамият қаратилаётганини эътироф этди.

Айтиш жоиз, ушбу фестивал тасвирий ва амалий санъат соҳасида ёш истеъодларни кашф қилиш, рағбатлантириш, уларга ҳар томонлама қўмаклашган ҳолда иқтидорини тўла намоеъ этишига шарт-шароит яратиб беришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Тасвирий ва амалий санъатнинг турли йўналиш ва жанрларига оид асарлардан Ўзбекистонда ёш авлод истиқболи, таълим-тарбияси, саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишлар, ёшларга кўрсатилаётган меҳр-эътибор ўз аксини топган.

Санъат ихлосмандлари беш кун давомида юртимиз ҳамда дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган санъат усталарининг ижод намуналаридан баҳра олади. 21 апрелгача давом этадиган фестивал доирасида кўргазмалар Фотосуратлар уйи, Тасвирий санъат галереяси, Иқоу Хирояма халқаро маданият қарвонсаройи ҳамда Камолитдин Бехзод номидagi Шарқ миниатюра санъати музейида бўлиб ўтади.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
«Халқ сўзи».

Тухфа

ОЛИС ҚИШЛОҚДА МУҲТАШАМ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ



Наманган вилоятининг Косонсой туманида жойлашган Чиндовул қишлоғида замонавий маданият қошоноси иш бошлади.

Фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган бино таъмирига эзгу ташаббус доирасида 3,6 миллиард сўм маблус сарфланиб, у бутунлай янги қиёфа касб этди. Маданият ва санъат масканини эндиликда аҳолининг мароқли хордиқ чиқариши ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун хизмат қилади. Шу мақсадда марказга 180 миллион сўмлик мусиқа асбоблари тухфа этилди.

— Янги масканга ушбу ҳудуддаги “Учкўрғон”, “Ширинбулоқ”, “Замондош” МФЙ ёшлари кенг жалб қилинади, —

деди Косонсой тумани ҳокими Дилмурод Қодиров. — Умуман, бу ерда маданий-маърифий тадбирларни мунтазам ташкил этиш ҳамда ижодий тўғрақлар фаолиятини қучайтириш орқали аҳолининг барча қатлами қамраб олиш мақсад қилинган.

Маълумот ўрнида таъкидлаш ўрикли, бугунги кунда Наманган вилоятида 80 дан зиёд маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда уларнинг 45 таси мукамал таъмирдан чиқарилиб ҳамда моддий-техника базаси яхшиланиди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
«Халқ сўзи».

ОРОЛЬЎЙИ МИНТАҚАСИ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУДУДИГА АЙЛАНАДИ

Барчамиз муҳим сиёсий жараён — референдум арафасида турибмиз. Бу тадбир шунчаки овоз бериш эмас, балки халқимиз ҳаётида янги саҳифа очилиш кутилаётди. Яъни Бош қомусимиз бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига халқимизнинг хоҳиш-иродасидан, истакларидан келиб чиқиб, бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муносабат

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 49-моддасида атоф-муҳит ҳолати тўғрисидаги ишончли маълумотларни шу соҳага мутасадди бўлган ташкилотлардан олиш ҳуқуқлари белгиланмоқда. Албатта, халқимизнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратилиши кўзда тутилаётгани таъсирга сазовор. Қолаверса, аҳолининг яхши экологик шароитда яшashi учун жамоатчилик назорати жуда зарурлиги таъкидланмоқда. Ушбу норма орқали жамоатчилик назоратини кенгайтириш, бугун ва келажак авлод учун қулай ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш, аҳолининг саломатлигини ишончли муҳофаза этиш, уларнинг яшashi ва ривожланиши учун қулай атоф-муҳитни таъминлашнинг конституциявий кафолатлари қучайтирилади.

Этиборлиси, шаҳарсозлик лойиҳа ҳужжатлари тайёрланишида ҳудудларнинг географик жойлашуви, унинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда бино-иншоотларни танлаш ҳамда қўқаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Шаҳарсозлик лойиҳа ҳуж-

жатлари халқимиз муносабатлари асосида шаклланиши ҳамда жамоатчилик назорати асосида ижроси таъминланиши белгиланмоқда. 49-модданинг бешинчи қисмида давлат Орольўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриши белгиланмоқда. Мазкур норма амалдаги Конституцияда йўқ эди. Бу каби норманинг алоҳида белгиланиши Орольўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза этиш, тиклаш ва ривожлантириш учун шу йўналишда илмий изланишлар олиб бориш ҳамда натижаларини жорий қилиш бўйича тегишли вазифаларни олдимизга қўяди.

Қўпчилиққа яхши аёнки, Орольўйи майдони 1960 йилгача 6,6 миллион гектар эди. Бугунги кунга келиб Орольўйи майдони майдони 10, сув ҳажми эса 15 баробарга қаммайиб, сув сатҳи 29 метрга тушиб кетган. Сув тарқибидagi тузнинг кўрсаткичи литрига 150 гр. — 300 гр.га етди. Натижада балик ва жониворлар йўқолиб, биологик жиҳатдан ўлик денгизга айланди.



Бир пайтлар Орольўйи денгизи қишда ва ёзда мамлакатимизга келатган ҳаво оқимини ҳам мўтадиллаштириб, терморегулятор вазифасини бажариб берган. Афсуски, Орольўйи минтақасида юзага келган глобал экологик муаммо минтақа аҳолисининг ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу ҳолат бугунги кунда нафақат минтақанинг, балки дунё ҳамжамятининг ҳам муаммосига айланди. Шу боис ҳам Орольўйи денгизининг қуриб қолган қисмида экотизимни яхшилаш, тадқиқотлар ва инновацияларнинг илгор тажрибаларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Орольўйи халқаро инновация маркази ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Орольўйи минтақаси учун кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилди. 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялғи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тақлифига биноан “Орольўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида” ги махсус резолюция қабул қилинди.

ВАРШАВАДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР АҲАМИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

➡1 Мазкур конституциявий норма ислохотларнинг бош мақсади “Инсон қадри учун” ғоясини кундалик амалиётимизда бош қадриятга айлантиришга, яъни инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва гурури бундан буён барча соҳада биринчи ўринда туришини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

“Ушбу янгилик ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсон учун муносиб турмуш шароитини, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизимини, соғлом экологик муҳитни яратиш қонун ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг асосий мақсади сифатида белгиланишига хизмат қилади”, деди Я. Печончинский.

Польша Фанлар академияси аъзоси, академик Влодслав Барчинский инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мансабдор шахслар фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди, деган норманинг мустақамланиши ҳам амалда муҳим аҳамият касб этиши хусусида тўхтади.

У таъкидлаганидек, мазкур норма билан биринчидан, қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва уни амалда қўллашда, иккинчидан, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини ташкил этишда инсон ҳуқуқлари мазмун-моҳиятига устуворлик бериш Конституция даражасида мустақамланмоқда. Мазкур норма орқали барча давлат ва нодавлат тузилмаларнинг вазифалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилади.

“Янги таҳрирдаги Конституцияда давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик тамойилига асосланади. Яъни бунда жазолаш ёки бошқа таъсир кўрсатишнинг чегараси инсонийликка бориб тақалади. Аниқроқ айтганда, Конституция ва қонунларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишдан иборатдир. Қонунлар қимгадир ортиқча мажбурият ёки ҳаражат юклиши мумкин эмас. Бу инсонпарварлик принципининг амалдаги ижроси бўлади”, дея таъкидлади у.

Польша Аёллар лигаси бошқаруви раиси Альдона Михалыкнинг фикр билдиришича, ҳуқуқий давлатда барча муносабатлар аниқ қондалар билан тартибга солинган бўлмоғи керак. Аммо ҳаётда шундай вазиятлар ёки ҳолатлар вужудга келиши мумкинки, давлат ва инсон ўртасидаги айрим муносабатларнинг ечими қонунчиликда кўрсатилмаган ёки ноаниқликларга сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолатларда муаммо қимнинг фойдасига ва қандай тартибда ҳал қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

“Янгиланган Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасида давлат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддият ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгилангани тўғридан-тўғри муаммоларни бартараф қилишга олиб боради. Конституцияга киритилаётган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада қучайтиришга қаратилган янги нормалар сўнгги йилларда илгари сурилган инсон қадрини эъзозлаш тамойилларига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амал қилиши, қонунчиликда ечими топилмаган ҳар қандай масала фуқаро фойдасига ҳал этилиши каби нормалар муҳим концептуал ўзгаришлардан далолат беради”, деди А. Михалык.

Польшанинг “Tribuna” газетаси муҳбири Анджей Вербениц фикрга кўра, иқтисодий муносабатлар фуқаролик жамиятининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш тамойилларига асосланган ислохотларнинг янги босқичида давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қаммайтириш, иқтисодий жараёнларга маъмурий тартибга солиш дастакларидан фойдаланишни минималлаштириш, хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Айнан мана шу жиҳатдан олиб қаралганда, Конституцияга киритилаётган энг муҳим ўзгаришлардан бири — товар ва хизматлар бозорининг барча иштирокчиси учун тенг иқтисодий-ҳуқуқий имкониятлар яратиш мақсадида монопол фаолиятнинг қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши Конституцияда мустақамланаётганлигидир.

«Дунё» АА.
Варшава

ҳолда суғориш ишларини йўлга қўйиш, дарахтзорларни парваришлаш ва зараркундаларга қарши курашишга оид муҳим вазифаларнинг амалга оширилишига хизмат қилади, албатта.

Бугунги экологик муаммоларнинг кескинлашуви шароитида Конституцияда атоф-муҳитни муҳофаза этиш билан боғлиқ нормаларнинг мустақамланиши соҳага катта эътибор қаратилаётганининг ёрқин ифодасидир. Мазкур нормалар халқимиз ва келажак авлод учун экологик тоза ҳудудни сақлаб қолтириш, Орольўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшashi ва ривожланиши учун қулай атоф-муҳитни таъминлашнинг конституциявий кафолатларини яратди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мен Конституцияимизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, барчани умумлашқ референдумида фаол қатнашишга чақираман.

Фаррух ИГИТОВ,
Тошкент қимм-технология институтининг Саноат экологияси кафедраси мудири, PhD, доцент.

ЯНГИЛИКЛАР
ХАБАРЛАР
ТАФСИЛОТЛАР

Фаргона шаҳридаги вилоят театр-концерт саройида “Ватан манзумаси” номли адабий-маърифий тadbир бўлиб ўтди.

ВАТАНДАН ЯХШИ
ЁР БЎЛМАС

Тинчлик, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат каби эзгу фазилатлар тараннум этилган тadbирда пойтахтдан келган ҳамда фарғоналик санъат, маданият ва адабиёт намояндalари, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Маданият ва туризм вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мумтоз адабиёт вакиллари, замондош шоирларнинг Ватан, халқ ва она улуғланган шеърлари ўқиб эшиттирилди. Ёш ижодкорлар муҳоираси уюштирилди.

Элимиз ардоғидаги санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, ҳарбийларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Анжуман якунида мустақиллик йилларида тинч-осойишта ҳаётимиз йўлида хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард ва жасур юрт ўғлонлари хотираси ёдга олинди.

Ботир МАДИЁРОВ
«Халқ сўзи».

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги Янгйобод маҳалласида 55,5 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” массивини бунёд этиш ишлари бошланди. Эзгу ташаббусга кўра, ушбу ҳудудда 27 гектар ерда шу номдаги бог ҳам ташкил қилинади.

ЯНГИ МАССИВ
ҚУРИЛИШИГА
КИРИШИЛДИ

“Янги Ўзбекистон” массивида 74 та кўп қаватли уй — 6 минг 280 та хонадонли турархона барпо қилинади. Шунингдек, замонавий шаҳарчада 2 минг 640 ўринли 2 та мактаб, 420 ўринли 2 та боғча, 200 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника ҳамда маҳалла маркази қурилиши режалаштирилган. Хусусан, лойиҳанинг биринчи босқичида 18 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади. “Янги Ўзбекистон” массиви қурилишига тамал тоши қўйилишига бағишланган тантанали тadbирда Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов иштирок этди.

Илҳом РАҲМАТОВ
«Халқ сўзи».

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида 50 мегаватт қувватга эга кўёш фотоэлектр станцияси фойдаланишга топширилади.

ҚУЁШ
ФОТОЭЛЕКТР
СТАНЦИЯСИ
ИШ БОШЛАЙДИ

Уни барпо этиш ва ишга тушириш бўйича Жанубий Кореянинг “Samwon Millenia Co.” компанияси ҳамда Зарбдор тумани ҳокимлиги ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ўзаро келишувга кўра, биринчи босқичда кунига ишлаб чиқариладиган 30 мегаваттлик электр энергияси аҳоли истеъмоли учун узатилиш кўзда тутилган. Лойиҳанинг иккинчи босқичида ишлаб чиқариладиган 20 мегаваттлик қувват тadbиркорлик субъектларига йўналтирилади.

Айни кунларда лойиҳа доирасида белгиланган ишлар жадаллик билан олиб боришмоқда.

Толмбжон ЭРГАШЕВ
«Халқ сўзи».

Ўзбекистон —
ижтимоий давлат

Камбағаллик — илгари Ўзбекистонда расмий даражада тан олинмаган энг оғриқли муаммолардан бири бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида камбағалликка қарши кураш иқтисодий ривожланиш сиёсатимизда устувор вазифа этиб белгиланди. “Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тadbиркорлик руҳини ўйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”, деди давлат раҳбари.

Таъминлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги камбағалликни бартараф этиш муаммосини стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйди. Маз-

соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар уч бараварга ошаётир.

Ишсизларни
банд қилиш —
муаммолар ечими

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам камбағалликни қисқартиришда муҳим ўрин тутди. Ўтган 2022 йил давомида турли соҳаларда 2,7 миллион аҳолининг доимий бандлиги таъминланди. 4 миллиондан зиёд аҳоли максумий меҳнатга жалб этилди. Юридик шахслар томонидан 1 миллион 335 минг, шундан янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 305 минг аҳоли ишга жойлаштирилди. Худудлардаги корхоналар сони 85 мингтага кўпайиб, 550 мингтага етгани ҳисобига расмий банд бўлганлар сони 400 мингга ошиб, 5 миллион 100 мингтани ташкил қилди. Якка

ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА
ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК ВАЗИФА

кур муаммони ҳал қилишга ҳукумат томонидан катта ҳажмдаги савй-ҳаракатлар қаратилган. Хусусан, мамлакатда камбағалликка қарши курашиш учун зарур институтлар яратилди. Камбағалликни камайтириш ва бандликни таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим — ҳоким ёрдамчилари институти йўлга қўйилди. Ҳозирда республикадаги мавжуд маҳаллаларда 10 минг нафарга яқин ҳоким ёрдамчилари фаолият юритиб, улар тadbиркорликни ривожлантириш бўйича фаолият олиб бормоқда. Субсидиялар ажратиш, иш билан таъминлаш, касбий тайёргарликка жалб қилиш ва бизнес юритиш кўникмалари орқали қарийб 2,2 миллион кишининг бандлиги таъминланди. Бирок бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 1,3 миллиони ишсиз қолмоқда.

Шу боис айни пайтда республика бўйлаб фаолият кўрсатаётган 26 та “Ишга марҳамат” мономаркази, 53 та касб-ҳунар ўқитиш маркази, 539 та касб-ҳунар маркази, маҳаллалардаги ўқув марказлари орқали меҳнат бозорида талаб катта бўлган 70 дан орტიқ касблар бўйича ишсиз фуқароларга таълим беришмоқда. Амалга оширилган чора-tadbirlar натижасида юртимизда ишсизлик даражаси 8,9 фоизга туширилган. Қашшоқлик даражаси кўрсаткичи 17 фоиздан 14,1 фоизга камайган. Жорий йилда барча имкониятлар ишга солиниб, Ўзбекистонда қашшоқлик даражасини 12 фоизгача камайтириш режалаштирилган.

Ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш масалалари ҳам эътиборга молик. Ушбу жараёнга очкилик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими яратилди. Хусусан, 2022 йилда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га 2,3 миллион оила киритилган бўлиб, 2,2 миллион кам таъминланган оилага болалар нафақаси ҳамда 74,8 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам сифатида жами 11,4 триллион сўм маблағлар тўлаб берилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлик соҳаси бўйича олиб бораётган ишлар устидан депутатлик назоратини янада кучайтириш, дастур ижросини ҳар ой якуни бўйича туман, шаҳар ҳокимликлари қошидаги доимий ишчи комиссия йиғилишларида муҳокама қилиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан Қонунчилик палатаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Барчамизга яхши аёнки, бугунги кун жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масаласи — янгиланаётган Конституцияда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган конституциявий тамойил муқррланиб, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар бир неча баробарга ошаётир. Янгиланаётган Конституциянинг қатор меъёрларида камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар микдори энг кам истемвол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда. Давлат зиммасига аҳоли эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёт сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини қўриш мажбурияти юкланмоқда. Шунингдек, фуқаролар тиббий ёрдамнинг қонунда қопланган ҳажмини бепул олишга ҳақли эканлиги қатъий белгиланмоқда.

Хуллас, Конституциянинг янги тахририда аҳолининг барча қатлами манфаатлари инобатга олинмоқда. “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган конституциявий тамойил асосида давлатнинг ижтимоий

тартибдаги тadbиркорлар ҳисобига 101 минг, деҳқон ҳўжаликларида 199 минг фуқаро иш билан таъминланди.

Умуман, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозимининг жорий этилиши худудлардаги аҳоли қатламларининг эҳтиёжи, қизиқишлари батафсил ўрганилишига, уларнинг тadbиркорлик фаолияти йўлга қўйилишига ҳисса қўшаётир. Бу борада 2022 йили оилавий тadbиркорлик дастури доирасида ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида 9 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратилган ва 388 мингта лойиҳа ишга туширилган. Бандликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йили республикада йил бошидагилик нисбатан ишсизлик 9,6 фоиздан 8,9 фоизга камайди.

Шу йил 25 январь куни Президентимиз томонидан камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган 5 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш, шу жумладан, 2 миллион доимий иш ўрнини яратиш борасидаги вазифалар юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, тadbиркорлар фаолиятини кенгайтириш учун кредит микдори амалдаги 225 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилди. Деҳқон ҳўжаликларига гаровсиз кредит микдори 50 миллион сўмгача кўпайтирилди.

Бугунги кунда камбағалликни қисқартириш мақсадида, шунингдек, аҳолининг турмуш шaroitларини яхшилаш ва қишлоқ жойларини обodonлаштириш дастурлари амалга оширилмоқда. Хусусан, “Обод қишлоқ” дастурининг ижроси туфайли 2 миллиондан зиёд қишлоқ аҳолисининг яшаш шaroitлари яхшиланди. Бирок эришилган натижаларга қарамай, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 400 мингдан ортиқ оилалар турмуш шaroitлари яхшилангача муҳтож. Нoрасмий секторнинг меҳнат бозоридagi улуши 40 — 50 фоизни ташкил этади.

Пандемия даврида аҳолининг камбағал ва энг заиф қатламларида ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатувчи муассасалар фаолиятини ислох қилиш зарурати кучайди. Шу боис бу муаммоларни ҳал қилиш жадаллик билан амалга оширилмоқда. Моддий ёрдамни тақсимлашда керакли назорат, шаффофлик ва манзиллиликни таъминлаш мақсадида рақамли технологиялар асосидаги тизимли ечимларни жорий қилиш бўйича аввал етарлича манзилли бўлмаган ва самарасиз иш услубидан янги тизимга ўтилмоқда.

Фақат даромад эмас,
хаёт сифати муҳим

Ижтимоий ҳимоя тизими, бу — камбағаллик ва тенгсизликни камайтириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари фаровонлигини оширишга қаратилган чора-tadbirlar ва дастурлар мажмуасидан иборат давлат сиёсатидир. Гарб давлатларида ижтимоий ҳимоянинг марказлашган тизими ХХ асрнинг бошларида Германия ва Буюк Британияда ижтимоий таъминот унсурларининг яратилиши даврида, бироз кейинроқ эса АҚШда — Буюк депрессия пайтида муваффақиятга эриша бошлади. 100 йил олдин ижтимоий ҳимоя тизимлари фақатгина бир неча мамлакатларда расман мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб у деярли барча давлатларда амал қилмоқда. Мамлакатлар ўз имкониятлари, миллий шaroitлари ва устуворликларига асосланиб, ижтимоий ҳимоя тизимларини қуради. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими нафақат моддий ёрдам беришга, балки аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини камбағалликдан чиқаришга йўналтирилган бўлиши муҳим роль ўйнайди.

Ривожланган мамлакатларда ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб нафақа

қўринишидаги ижтимоий ёрдам олувчиларни расмий тadbиркорликка жалб қилиш учун мажбурий талаблар жорий этилган. Бу амалиёт қўлланилган мамлакатлар (Жанубий Корея, АҚШ, Янги Зеландия, Буюк Британия ва бошқалар)да аҳоли бандлиги ошгани кузатилган. Турли тadbиркорлар натижалари шуни кўрсатадики, камбағалликдаги инсон фаровонлигини фақатгина даромадларга асосланган баҳолаш ўрнига бошқа кўп критерияли тизимлар билан ўлчаш камбағалликка қарши курашишнинг самарасини янада оширади.

Аслида ҳам, камбағаллик — бу фақатгина даромадлар эмас, балки турли ўлчамли (тоза ичимлик суви, соғлиқни сақлаш, санитария ҳолати, бошқа зарур хизматлар) ҳаёт сифатини ифодаловчи кўрсаткичдир. Мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимидаги бу ўзгаришлар қисман Австрия, Бельгия, Австралия, Канада, Чехия, Дания ва бошқа мамла-

лари олдидаги ижтимоий мажбуриятлари кенг қўламда амалга оширилишини назарда тутди. Бу эса жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш заруриятини келтириб чиқаради. “Кучли ижтимоий сиёсат” дегани, давлат институтлари томонидан ижтимоий неъматларни жамиятнинг энг кам ҳимояланган ва заиф аъзолари фойдасига тақсимлаш демакдир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда бошқа қўллаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда. Бошқача айтганда, мамлакатимизда ҳақиқатан ҳам “ижтимоий адолат” тушунчасига мос келадиган давлат сиёсати модели танланган. Чунки минг йиллар давомида заминимизда одамлар бир-бирига ёрдам бериши, оғир ҳаётий вазиятларда қолган қашшоқ ва заиф аҳоли кўни-қўшин, маҳалла ва жамиятдан мадад олиши лозим, деган анъанавий дунёқа-

лим билан боғлиқ қўллаб муаммолар баён қилинган. Қўтарилган масалаларнинг аксарияти фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидagi камчиликлар, аҳолининг кам таъминланган ва заиф қатламларига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлиб, бу борада қўллаб шиқоятлар келиб тушган.

2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-tadbirlari тўғрисида”ги Президент Фармонида Халқ қабулхоналари худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш, уларга ечим топишга қаратилган тизим жорий қилинди. Халқ орасида “темир дастар” деб номланган камбағал оилалар реестрини тузишда уйма-уй ўрганиш асосида, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари муаммолари ҳам ҳисобга олинди.

Илғор тажрибадан —
халқимиз
манфаатигача

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ва тadbиркор жараёнда аниқланган камчиликлар ижтимоий қўллаб-қувватлашни тизимли асосда йўлга қўйиш лозимлигини кўрсатмоқда. Айрим ёрдам турларини ажратишнинг аниқ мезонлари бўлиши, унга мувофиқликни аниқлаш мустақил ахборот манбаларига асосланиши лозим. Ёрдам ажратиш мезонлари ва тартиблари, ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар аниқ ва бутунлай шаффоф бўлиш шарт. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини қўлда бошқаришдан аниқ ва равшан интеграциялашган тизимга ўтказиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги қарорига мувофиқ, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими йўлга қўйилди. Бу оилалар эҳтиёжи ва талабгорларнинг белгиланган мезонларга мувофиқликни даражасини ошора, реал вақтда баҳолашни таъминлаш билан эътиборга молик.



Мухиддин ПЎЛАТОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

Умуман, дунё миқёсида камбағалликни қисқартириш бўйича қатор тажрибалар бор. Бунда инклюзив бизнес моделларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда дунё аҳолисининг кам таъминланган қатламлари энергия, сув таъминоти, канализация, ахборот технологиялари каби қўллаб соҳаларда сезиларли даражада қондирилган эҳтиёжлар мавжуд.

Шу билан бирга, ривожланган давлатлар иқтисодиётининг турғунлиги шaroitида кам таъминланган гуруҳлар иштирокидаги бозор сегментларининг жозибadorлиги ошиб бормоқда. Масалан, агар камбағал қатламга ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилса, улар ишчи ёки тadbиркор сифатида иқтисодий ўсиш жараёниларида фaол қатнашиши мумкин. Бунинг учун зарур билим ва кўникмалар етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш ва таълимга инвестиция киритиш ривожланишнинг асосий омилдир. Масалан, Хитой ва Ҳиндистонда бу сиёсат ўз самарасини бергани бунга яққол мисолдир.

Мамлакатимиз камбағалликни қисқартириш соҳасида глобал ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек, ХХРнинг камбағалликка қарши курашдаги муваффақиятли тажрибасидан кенг фойдаланмоқда. Хусусан, юртимизда Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, камбағаллик даражаси юқори бўлган худудларга вазирлик ва идоралар бириктирилди, муҳтожларга қўмаклашиш тизими яратилиб, оилавий тadbиркорлик ва томорқачилик ривожлантирилдиган бўлди.

2020 йилининг 26 сентябрь куни ХХР ҳукумати томонидан БМТ котибияти билан ҳамкорликда ташкил этилган “Камбағалликни қисқартириш юзасидан ҳамкорликни кенгайтириш” мавзусида юқори даражадаги халқаро видеоконференцияда камбағалликни қисқартириш Ўзбекистонда устувор вазифа сифатида белгилангани таъкидланди. Зеро, Ўзбекистоннинг узок муддатли стратегик мақсади — барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш, камбағаллик даражасини кескин камайтиришдир.

Мақолаимиз якунида ХХР ташқи ишлар вазирин Ван Ининг қўйидаги сўзларини келтириб ўтсак: “Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш соҳасида муҳим натижаларга эришди... Ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусиятларга эга. Ишончим комилки, ҳар бир давлат ўз мамлакатидagi вазиятга мос бўлган камбағалликни бартараф қилиш учун ўз йўлини топишга қодир”.

Дарҳақиқат, камбағалликни қисқартириш борасида ҳар бир мамлакат тажрибасини бошқа давлатда айнан қўллаш имконияти, яъни ягона формуланинг мавжуд эмаслиги Ўзбекистонда ҳам халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос тизимини яратишни тақозо этди. Ушбу тизим ва уни қўллаш механизмлари ўтган давр мобайнида амалиётда юзага келган камчиликлар ҳамда муаммоларни бартараф қилиш орқали босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилаётгани аҳоли турмуш фаровонлиги оқишмида муҳим аҳамият касб этаётир. Аҳоли турмуш фаровонлиги — мамлакат тараққиётини белгилловчи мезонлардан бири. Бу йўналишда олиб борилаётган ҳар бир ислохот эса, аввало, инсон манфаатлари, унинг яхши оилиши, фарован ҳаёт кечирishiга қаратилгани юртимиз янада тараққий этиб, янги босқичга қўтарилишига замин бўлаётир. Буни барчамиз ўз ҳаётимизда сезиб, ҳис қилиб туришимиз.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги
камбағалликни бартараф этиш

муаммосини стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйди. Мазкур муаммони ҳал қилишга ҳукумат томонидан катта ҳажмдаги савй-ҳаракатлар қаратилган. Хусусан, мамлакатда камбағалликка қарши курашиш учун зарур институтлар яратилди. Камбағалликни камайтириш ва бандликни таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим — ҳоким ёрдамчилари институти йўлга қўйилди. Ҳозирда республикадаги мавжуд маҳаллаларда 10 минг нафарга яқин ҳоким ёрдамчилари фаолият юритиб, улар тadbиркорликни ривожлантириш бўйича фаолият олиб бормоқда.

Демак, камбағаллик муаммосини кредитлар, ижтимоий нафақалар ёки уй-жой билан тўлаш орқали бартараф этиш мумкин эмас. Бу муаммони ечишда, энг аввало, таълим, соғлиқни сақлаш, ичимлик суви, энергетика ва йўл инфратузилмасидаги мураккаб масалалар ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон шaroitида ҳам ривожланган мамлакатлардек камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашув энг мақбул ечимдир. Мазкур сиёсат меҳнатга лаёқатли аҳолини имкон қадар иш билан таъминлаш ва бир вақтинч ўзида муҳтож одамларни камбағаллик чегарасидан чиқаришни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу билан бирга, қашшоқликни зудлик билан бартараф этишнинг имкони бўлмаган шaroitида кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг даромад олиши ва инсон капиталини ривожлантириши учун қўшима имкониятлар яратиш назарда тутилмоқда.

Асосийси — мавжуд
имконият ва
ресурслардан
самарали фойдаланиш

Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган мамлакатлар сирасига кирди. Бундай мамлакатларда давлат жамият ҳаётидаги иштироки анча муҳим бўлиб, у ўз фуқаро-

Тахририятга келган қўёғмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.
Газетанинг етказиб берилиши учун бунунинг расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилган ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланадиган.
Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.23 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълоналар 71-232-11-15.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукров.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.